



2021 йил 12 февраль

№ 1

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

А.В.Шин – Мактабгача таълим вазири

Иштирок этдилар:

Л.Фаткулина – Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;

Ҳайъат аъзолари, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари;

Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари, тасарруфдаги республика ташкилотлари раҳбарлари ҳамда тегишли масъул ходимлар (рўйхат бўйича).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида**

(Шин, Тен, Маматқулов, Олимов, ... Шин)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони қабул қилинди.**

Ушбу Фармон мамлакаимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўргасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик хаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Фармонга мувофиқ 2021 йилда 273 та банддан иборат бўлган Давлат дастури тадбирларини бажариш учун жами 29 492,7 млрд. сўм, 2 600,4 млн. АҚШ доллари ва 57,5 млн. евро ҳаражатларни амалга ошириш назарда тутилган.

Жумладан, Давлат дастурида белгиланган мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича 5 та устувор вазифаларни бажариш учун 1 709 млрд сўм ва 4,5 млн. АҚШ доллари миқдорида ҳаражатларни амалга ошириш белгиланган.

Жорий йилнинг 10 февралида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев хузурида 2021 йилги Давлат дастури ижросини ташкил этиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Дастурда ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлигига, шунингдек, ҳалқ фаровонлигини ошириш йўлида 226 та йирик саноат ва инфратузилма обьектларини ишга тушириш, минглаб уйлар, йўл, сув ва электр тармоқлари қуриш режалаштирилганлигига батафсил тўхталиб ўтилди.

Фармон ва у билан тасдиқланган Давлат дастурида белгиланган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган вазифалар ижросини тўлиқ, ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ҳайъат йиғилиши қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати Мажлисининг 2021 йил 11 февралдаги 10-сон баёни **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин**;

Мактабгача таълим вазири А.В.Шиннинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги ахбороти **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин**.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини амалга ошириш бўйича Мактабгача таълим вазирлиги ишчи гурухи таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижросини ташкил этиш бўйича Мактабгача таълим вазирлигининг Йўл харитаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Йўл харитасида масъул этиб белгиланган вазир ўринbosарлари, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари унда белгиланган вазифа ва тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун **шахсан масъул этиб белгилансан**.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ижро этилиши бўйича ҳар ойлик ҳисоботларни тайёрлаш схемаси **3-иловага мувофиқ тасдиқлансан**.

5. Давлат дастурида Мактабгача таълим вазирлигига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан маълумотларни умумлаштириш ва белгиланган тартибда ҳар ойнинг якунида Адлия вазирлигига тақдим этишга **Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Тен Елена Герасимовна ва Назорат-таҳлил бошқармаси бошлиғи Бердиева Лола Алишеровна** масъул этиб белгилансан.

6. Вазир ўринbosарлари (Қ.Олимов, М.Юлдашев, Ш.Маматқулов):

Давлат дастурининг ўзларига биринчирилган бандлари бажарилишини шахсий назоратга олсин, уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича барча зарур ва тезкор чораларини кўрсинг, ҳар ойда вазирлик марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари ва

идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Давлат дастури ижросини муҳокама қилиб борсин ҳамда аниқланган муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича **аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни кўрсинг**;

Давлат дастури ижроси бўйича вазирлик марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари томонидан тайёрланган маълумотларни **ҳар ойнинг 28 санасида умумлаштириш учун Назорат-таҳлил бошқармасига тақдим этилишини таъминласин**.

7. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари:

а) **ҳар ойнинг 25 санасига қадар** Давлат дастурида белгиланган тегишли вазифаларнинг ижроси бўйича маълумотларни шакллантирсиван асословчи ҳужжатларини илова қилган ҳолда ўз йўналишлари бўйича вазир ўринbosарларига кўриб чиқиш учун тақдим этсин;

б) шакллантирилган маълумотлар вазир ўринbosарлари билан келишилганидан сўнг:

Мактабгача таълим вазирлиги асосий ижрочи сифатида белгиланган бандлар бўйича маълумотларни асословчи ҳужжатлар билан ҳар ойнинг 28 санасига қадар умумлаштириш учун Назорат-таҳлил бошқармасига тақдим этади;

Мактабгача таълим вазирлиги ҳамижрочи сифатида белгиланган бандлар бўйича маълумотларни асословчи ҳужжатлар билан жорий йилнинг 30 санасига қадар асосий ижрочи сифатида кўрсатилган вазирлик ва идораларга тақдим этиб боради.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ва у билан тасдиқланган Давлат дастури мазмун-моҳиятини Мактабгача таълим вазирлигининг қўйи бўғинларига етказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур чора-тадбирлар режаси ижросини мувофиқлаштириб бориши Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси (Е.Тен)га юклатилсин.

9. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиqlари:

Фармон ва у билан тасдиқланган Давлат дастури мазмун-моҳиятини Мактабгача таълим вазирлигининг қўйи бўғинларига етказиш бўйича чора-

тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини **шахсан назоратга олсин**, уларни ўз вақтида самарали бажариш бўйича тезкор тадбирларни **амалга ошириб борсин**;

**ҳар ойнинг 25 санасида** мазкур чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармасига **тақдим этиб борсин**.

10. Ахборот хизмати (М.Аскархўжаева) Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари, вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилишини таъминласин.

11. Вазир ўринbosари Ш.Маматқулов, Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжинииринг компанияси (К.Хадиев)га:

**2021 йилнинг 1 март кунига қадар** йилдан-йилга ўтувчи барча объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш чораларини кўрсин;

**жорий йилнинг 5 март кунига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сон қарори билан белгиланган объектлар учун тендер савдоларини ўрнатилган тартибда ташкил этилишини таъминлаш;

**жорий йилнинг 8 март кунига қадар** тендер савдолари натижаларини эълон қилиш вазифалари юклатилсин.

12. Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси (Е.Тен):

**жорий йилнинг 20 марта** давлат мактабгача таълим ташкилотларини спорт жиҳозлари билан таъминлаш бўйича манзилли рўйхатни шакллантирсин ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига тақдим этсин;

Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) билан биргаликда **уч кун муддатда** Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ишчи гурухларини шакллантирсин ва режа-жадвал ишлаб чиқсин.

Бунда, ишчи гурухлари ўрганиш натижалари асосида ҳар бир худуд кесимида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва вазирлик раҳбариятига тасдиқлаш учун киритсин.

13. Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларини жорий этиш бошқармаси (В.Ким) **2021 йилнинг августига қадар** мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига хорижий тилларни ўргатиш бўйича концепцияни ишлаб чиқиши чораларини кўрсинг.

14. Юридик бошқарма (Х.Буриев), Ички аудит, молиявий ва ҳукуқий назорат хизмати (Д.Норматов) **бир ой муддатда** давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини аутсорсинг усулида овқатлантириш бўйича имзоланган барча шартномаларни ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича вазирликка хулоса киритсин.

15. Давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда қатор камчиликларга йўл қўйганлиги ва улар фаолиятини назорат қилишда масъулиятсизлик билан ёндашганлиги учун Фарғона вилояти Боғдод (Р.Тиллаева) ва Тошлоқ (Н.Эминова) туманлари мактабгача таълим бўлимлари мудирларига нисбатан белгиланган тартибда **интизомий жазо чоралари қўлланилсин**.

16. Фарғона вилояти мактабгача таълим бошқармаси (Ю.Ходжаева) Боғдод ва Тошлоқ туманлари мактабгача таълим бўлимлари давлат-хусусий шерикчилик бўйича масъул ходимларга нисбатан белгиланган тартибда **интизомий жазо чораларини қурилишини таъминласин** ҳамда натижаси бўйича вазирликка уч кунда муддатда ахборот киритсин.

17. Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошликларига:

2020 йил Инвестиция дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган мактабгача таълим ташкилотларига етказиб бериладиган жиҳозларнинг белгиланган техник параметрларга мослигини ва манзилли рўйхат асосида етказиб берилишини назорат қилиш;

**жорий йилнинг 1 март қунига қадар** маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда “Ақлвой” лойиҳаси доирасида республикадаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган, қамров қўрсаткичлари паст бўлган худудларда 98 та болалар майдончасини ташкил этиш бўйича ер майдонлари ажратиш, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига уларда пойdevor қуриш ишларини ташкил этиш;

**бир ой муддатда** мактабгача таълим ташкилотларига эҳтиёж мавжуд бўлган маҳаллаларда мавжуд бўш биноларни аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

**Мактабгача таълим вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган  
“Йўл харитаси” доирасида амалга ошириладиган ишлар**

---

(Шин, Олимов, Рискулова, ... Шин)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 19 январь куни “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” видеоселектор ифилиши бўлиб ўтди.

Ушбу йифилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад – бугунги мураккаб ва таҳликали замонда юртимизда тинчлик ва барқарорликни, ҳалқимиз фаровонлигин тъминлаш, ёшларимизни миллий қадриятларимиз асосида ватанпарварлик, фидоийлик ва яратувчанлик руҳида тарбиялаш эканлигига аълоҳида тўхталиб ўтилди.

Мазкур мақсадга эришиш йўлида мактабгача таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди:

- Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида Маънавият ва маърифат кенгашини ташкил этиш;
- 2021 йил февраль ойидан бошлаб Республика маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда Мактабгача таълим вазирлиги тизимида маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар борасида 2021 йил учун режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- бир ой муддатда мактабгача таълим соҳасида маънавий-тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш чораларини кўриш;
- Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда уч ой муддатда “Маънавий-ахлоқий тарбия дастури”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- бир ой муддатда Маданият вазирлиги билан ҳамкорлида ўзбек мақом ва баҳшичилик санъатини ёш авлод қалбига сингдириш ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- Мактабгача таълим вазирлигининг маънавий-маърифий ишларнинг янги тизмини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” доирасида амалга оширадиган ишлар намунаси асосида худудий мактабгача таълим бошқармаларининг “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 16-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти мисолида тайёрланган маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” намунаси асосида

барча мактабгача таълим ташкилотларининг “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– Вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат кенгашининг низоми асосида ҳудудий кенгашлар фаолиятини ташкил этиш;

Юқоридаги вазифалар ижросини сифатли таъминлаш мақсадида мактабгача таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни тизимли олиб бориш юзасидан қуидаги ишлар амалга оширилмоқда:

Мактабгача таълим вазирлигининг “Маънавий-маърифий ишлар тизими”ни тубдан такомиллаштириш, бу борада жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи лойиҳаси тайёрланди. Мазкур буйруқ билан Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида Маънавият ва маърифат кенгашининг низоми тасдиқланиши белгиланди.

Ташкил этиладиган Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат кенгашининг низоми асосида ҳудудий кенгашларнинг ташкил этиш белгиланди.

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 16-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти мисолида тайёрланган “Йўл харитаси” намунаси асосида барча давлат мактабгача таълим ташкилотларининг “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисидаги Мактабгача таълим вазилигининг 2021 йил 2 февралдаги топшириғи ҳудудий мактабгача таълим бошқармаларига юборилди.

Мактабгача таълим соҳасида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни тизимли ва самарали ташкил этишга қаратилган 2021 йил учун режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, Республика маънавият ва маърифат марказига тақдим этилди.

Мактабгача таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида сифатли таъминлаш мақсадида **Хайъат йиғилиши қарор қиласи**:

18. Вазирнинг биринчи ўринbosари Қ.Олимовнинг “Мактабгача таълим вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” доирасида амалга ошириладиган ишлар” тўғрисидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин**.

19. Навоий вилоятида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда амалий ёрдам қўрсатиш учун мактабгача таълим вазири А. Шин масъул этиб белгиланганилиги **маълумот учун қабул қилинсин**.

20. Вазирнинг маънавий-маърифий ишларни давлат тили бўйича маслаҳатчиси (К.Рискулова):

**бир ҳафта муддатда** Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда Навоий вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши мажлисини

үтказиш бўйича зарур чораларни кўрсинг ва йиғилиш материалларини тайёрласин;

**ҳар ой якунида** Мактабгача таълим вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан Республика Маънавият ва маърифат кенгашига ахборот киртиб борсин;

Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларини жорий этиш бошқармаси (В.Ким) ҳамда Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (С.Ашуррова) билан биргалиқда **икки ой муддатда** “Маънавий-ахлоқий тарбия дастури”ни ишлаб чиқиш чораларини кўрсинг.

21. Мактабгача таълим вазирининг 2020 йил 30 декабрдаги 215-сон буйруғига асосан **ҳар ҳафтанинг жума кунлари** мактабгача таълим тизимида “Сиёсий (Маърифат) соат”лари ўтказилиши таъминлансан.

Бунда, “Сиёсий (Маърифат) соат”ларига олимлар, профессор-ўқитувчилар, ёзувчи, шоир, таниқли санъаткор ва зиёлиларни жалб этиш чоралари кўрилсан.

22. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган Маънавият ва маърифат кенгашининг низоми асосида ҳудудий бошқармаларда Маънавият ва маърифат кенгашиларини ташкил этиш;

Мактабгача таълим вазирлигининг маънавий-маърифий ишларнинг янги тизмини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” доирасида амалга оширадиган ишлар намунаси асосида ҳудудий мактабгача таълим бошқармаларининг “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва **жорий йилнинг 20 февраль кунига қадар** вазирликка тасдиқлаш учун киритиш;

**беш кун муддатда** Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 16-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти мисолида тайёрланган маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” намунаси асосида барча давлат мактабгача таълим ташкилотлари “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминлаш;

**ҳар ойнинг 25 кунига қадар** маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботларни жадвал қўринишида Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларини жорий этиш бошқармасига тақдим этиш вазифалари юклатилсан.

**Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка  
мўлжалланган иш режаси ҳамда 2020 йилда жисмоний ва юридик  
шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган  
ишлар натижалари**

---

(Шин, Олимов, Бердиева, Дадабоев, ... Шин)

**I.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Президент ҳужжатлари ва топшириқларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган Иш режасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида кўзда тутилган мақсадли қўрсаткичларга эришиш бўйича **Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилди.**

**Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқида қуидагиларда белгиланган устувор вазифалар кўзда тутилди:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаларида;

“Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш иили” Давлат дастурида;

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари;

Давлатимиз раҳбарининг республика худудларидағи учрашувлар ва йиғилишлардаги маъruzalariда;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ҳузурида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг 2020 йил якунлари натижадорлиги ҳамда 2021 йил учун белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисботларини эшитиш бўйича ўtkazilgan йиғилишлар баёнлар топшириқлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 11 январдаги 02-90-сон топширифи;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган Иш режаси;

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси.

**II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви**

**органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони қабул қилинди.**

Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкор етказиши, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида **ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизими жорий этилмоқда**.

Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимида Фармон ва у билан тасдиқланган “йўл ҳаритаси”да белгиланган вазифа ва топшириқларнинг сифатли ва тўлақонли ижро этилиши, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартибига қатъий амал қилинишини таъминлаш мақсадида тезкор ва аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Шунингдек, Фармон ижосини вазирлик ва идораларда сифатили таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 48-ф-сон фармойиши** қабул қилинди.

Фармойиша Энаргетика вазирлиги мисолида тасдиқланган ташкилий схема ва “йўл ҳаритаси” асосида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгиланган.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 1 февралдаги “2020 йилда Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида”ги 8-сон баёнда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, сифатли кўриб чиқиш, шахсий ва сайёр қабуларнинг натижадорлигини ошириш, иш юритиш тизимини ташкил этиш, таҳлил ва назорат ишларини самарали амалга ошириш масалалари бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.**

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратида, Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари таҳлил этилди.

Ҳисобот даврида бевосита Мактабгача таълим вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами **3 283 та** мурожаатлар келиб тушган ва ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда мурожаатлар сони **1 325 тага камайган**.

Вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган жами 3 283 та мурожаатлардан:

- 613 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан;
- 290 таси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси “Ишонч телефони” орқали;
- 131 таси Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиши қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Котибиятидан;
- 994 таси вазирлик ва идоралар орқали ҳамда вазирликка тўғридан-тўғри келиб тушган жисмоний шахсларнинг мурожаатлари;
- 456 таси юридик шахслардан;
- 103 таси вазирликнинг ишонч телефони орқали;
- 219 таси вазирлик раҳбарияти томонидан ўтказилган қабулларда;
- 477 таси худудларда ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган.

Келиб тушаётган мурожаатлар масалалар кесмида таҳлил қилинганда, улар асосан:

- Давлат ҳусусий шериклик асосида янги мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш юзасидан – 1301 та;
- мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва ходимларининг хатти-харакатларидан норозилиги тўғрисида – 512 та;
- махалла худудида янги МТТ ташкил этиш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда таъминоти масаласида – 285 та;
- мактабгача таълим ташкилотига фарзандини жойлаштириш масаласида – 282 та;

2020 йил давомида вазирликка келиб тушган мурожаатлар ўрганилиб, ноқонуний харакатлар аниқланганлиги сабабли улардан **13 таси Конуний кўриб чиқиши учун Прокуратура органларига тақдим этилган**.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиши сифатини ошириш, ҳар бир мурожаатни муаллиф иштирокида кўриб чиқиб, уларни ижобий ечимини топиш ва фуқаролар томонидан қўтарилилган масалаларни ҳал этиб, қаноатлантирилганлар сонини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг **75 фоизи қаноатлантирилишига эришилди** (2019 йил якунида 55 фоизни ташкил этган).

Жумладан, бевосита вазирлик марказий аппарати томонидан кўриб чиқилган барча мурожаатларни қаноатлантирилганлик кўрсаткичи **51,6 фоизни ташкил этди.**

Мактабгача таълим вазирлиги раҳбарлари томонидан Жиззах, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Наманган, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг туманларида, жами 54 та “Сайёр қабуллар” ташкил этилди, уларда 477 нафар фуқаролар қабул қилинди.

**2020 йил давомида** Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги ва барча ҳудудий мактабгача таълим бошқармаларига жисмоний ва юридик шахслардан **жами 20 735** та мурожаатлар тушган.

Шундан, Президент Виртуал қабулхонаси орқали 6 373 та, 8 408 та оғзаки ва 5 917 та ёзма, 19 та расмий веб-сайт ва 18 та электрон почта орқали мурожаатлар келиб тушган.

Мурожаатлар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп Тошкент вилоятида – 3 125 та, Самарқанд вилоятида – 1 976 та, Сурхондарё вилоятида – 1 875 та, Қашқадарё вилоятида – 1 661 та, Андижон вилоятида – 1 425 та ва Тошкент шаҳрида – 1 303 тани ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларда раҳбарларнинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш кунларида фуқароларни раҳбарларнинг шахсан ўзлари қабул қилмасликлари, ҳар бир бошқарма ва бўлимлардаги Ишонч телефонлари фаолияти иш кунларида доимий йўлга қўйилмаганлиги, ўз вақтида мурожаатларга жавоб берилмаслиги, қабул давомида масъул ходимлар томонидан жисмоний ёки юридик шахсларга аниқ ва асосланган жавоб берилмаслиги, фуқаролар билан қўпол муомалада бўлиши ҳолатлари сабаб жисмоний ва юридик шахслардан ҳақли ва жиддий эътиrozлар келиб тушмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар натижасида Мактабгача таълим вазирлигига тўғридан-тўғри мурожаат этувчиларнинг сони ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ижросини сифатли ташкил этиш, мактабгача таълим тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, пухта ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш, бу борада тизимдаги раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида Ҳайъат йиғилиши қарор қиласи:

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил I ярим йилликка мўлжалланган Иш режаси талаблари асосида **Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;**

**Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

24. Вазир ўринбосарлари (Қ.Олимов, М.Юлдашев, Ш.Маматқулов) ва Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли ижро этилишини назоратга олсин.

25. Вазир ўринбосарлари (Қ.Олимов, М.Юлдашев, Ш.Маматқулов) **ҳар ойлик шахсий иш режаларини шакллантириб борсинлар** ҳамда шахсий иш режа ва у асосида амалга оширилган ишлар юзасидан **Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этиб борилишини таъминласинлар.**

26. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева)га:

мактабгача таълим вазирининг ҳар ойлик шахсий иш режаларини шакллантириш, шахсий иш режа асосида амалга оширилган ишлар юзасидан вазир ҳисботларини тайёрлаш ва ҳар ой **Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш;**

**ҳар чоракда** Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ижросини мониторинг қилиш ва натижаси бўйича **вазирлик раҳбариятига маълумот киритиш;**

Вазир кўрсатмаси асосида Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси бажарилиши бўйича тегишли таҳлилий материалларни вазирлик йиғилишларида муҳокама қилиш учун тайёрлаш;

**2021 йил 10 июлгача** Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси бажарилишининг таҳлили бўйича маълумотларни **Вазирлар Маҳкамасига киритиш** вазифалари юклатилсин.

27. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларнинг ижросини белгиланган муддатларда сифатли таъминласинлар, тегишли бандлари ижроси бўйича маълумотлар ва асословчи ҳужжатларни ўз вақтида “mdo.ijro.uz” электрон назорат тизимига киритиб борсинлар.

28. Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари:

**бир ҳафта муддатда** Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган иш режаси асосида ўз ташкилотлари иш режаларини ишлаб чиқсинлар ва **вазирликка тақдим этсинлар;**

**ҳар чоракда** ишлаб чиқилган иш режа бажарилишининг таҳлилини **вазирликка киритиб борсинлар.**

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони маълумот ва сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.

Фармон билан қуйидагилар:

Давлат органлари ва ташкилотларида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва хисобдорликни ташкил этиш тартиби (1в-илова);

Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати, давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (2-илова);

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва хисобдорликни ташкил этиш схемаси (3-илова) **тасдиқланганлиги;**

**2021 йил 1 апрелдан** бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг **ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш** масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши;

**2021 йил 1 майдан** бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижрони назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва хисботларни шакллантириш фақат “Ijro.gov.uz” тизимида амалга оширилиши белгиланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 48-ф-сон фармойиши қабул қилинганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

### 30. Қуидагилар:

Мактабгача таълим вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонида ва у билан тасдиқланган “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг барвақт ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича **Ишчи гурӯҳ таркиби 6-иловага мувофиқ**;

Мактабгача таълим вазирлиги тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича **Ташкилий схема ба-иловага мувофиқ**;

Фармон талабларини Мактабгача таълим вазирлигида сўзсиз ва ҳар томонлама амалга ошириш юзасидан аниқ “Ҳаракатлар режаси” 66-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

31. Вазир ўринbosарлари (Қ.Олимов, М.Юлдашев, Ш.Маматқулов) вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан биргаликда:

“Ҳаракатлар режаси”да белгиланган вазифа ва топшириқларнинг **барвақт, сифатли ва тўлақонли** ижро этилишини таъминласин;

Мактабгача таълим вазирлиги тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда Ташкилий схемага қатъий амал қилинсин.

32. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари:

**беш кун муддатда** Вазирликнинг “Ҳаракатлар режаси”га асосида ўз ташкилотлари ҳаркат режаларини ишлаб чиқсинлар ва **вазирликка тақдим этсинлар**;

мактабгача таълим вазирлиги тизимида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган **ташкилий схема** асосида иш фаолиятларини ташкил этсинлар;

ўз ташкилотларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича **самарали тизимни жорий этиш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.**

33. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) Юридик бошқарма (Х.Буриев):

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг ижро этилиши устидан тизимли мониторинг юритсин ҳамда назоратдаги топшириқлар, шу жумладан ўз муддатида бажарилмаган топшириқлар юзасидан тегишли таҳлилий материалларни тайёрлаган ҳолда уларни танқидий муҳокама қилиш ва зарур амалий чораларни кўриш учун вазир ўринbosарларига тақдим этиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим

бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларида қонунчилик хужжатлари ва топшириклари ижроси юзасидан тизимли ўрганишлар ўтказсин ҳамда натижалари бўйича вазирликнинг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама қилиш учун белгиланган тартибда таҳлилий маълумотларни тайёрласин.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 1 февралдаги “**2020 йилда Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида**”ги 8-сон баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

35. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, сифатли кўриб чиқилишида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш бўйича етарли ишлар олиб борилмаётганлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

**2020 йил давомида** мактабгача таълим тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни кўриб кўриб чиқишида камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги сабабли **71 нафар** масъул ходимларга нисбатан **интизомий жазо чоралари** қўлланилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

36. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиша:

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини камайтириш юзасидан аниқ чоралар кўрилмаганлиги;

Жizzах, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари томонидан фуқароларнинг шахсий қабулига, Хоразм, Жizzах, Сурхондарё, Бухоро ва Сирдарё вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари раҳбарлари томонидан “Сайёр қабул”ларни ташкил этилишига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги **кўрсатиб ўтилсин**.

37. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими (Б.Дадабаев):

**2021 йилнинг 2 апрелига қадар** 2021 йил 1-чорак якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг муожаатларини кўриб чиқиш юзасидан

бажарилган ишларнинг натижаси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботларни тақдим этсин;

вазирлик марказий аппарати таркибий бўлимлари ва идоравий мансуб ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишининг аҳволини мунтазам таҳлил қилиб борсин;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларининг вазирлик раҳбарияти ва масъул ходимлар томонидан қабулинин тасдиқланган жадвал асосида ташкил этилишини назоратга олсин;

бунда, фуқаролар ва тадбиркорларни қабул қилиш (йўналиши бўйича) фақат бошқарма, бўлим бошлиқлари, улар сабабли равишда иш жойида бўлмаганликларида уларнинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилишига эътибор қаратилсин;

тизимда мурожаатларни кўриб чиқиши бўйича талабчанлик оширсин, мурожаатлар билан ишлашда қонунбузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан раҳбариятга таклиф киритсин.

38. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига:

